



ЭМОЦИЯ МЕТАФОРЛАРИНИНГ СИНОНИМИК ҚАТОР ДОИРАСИДА ВАРИАНТЛАШУВИ (ҚОРАҚАЛПОҚ ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИ МИСОЛАРИДА)

Калимбетов Шарапат Махсутбаевич

УзДЖТУ, Ташкент, Ўзбекистан

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7889990>

ARTICLE INFO

Received: 26th April 2023

Accepted: 30th April 2023

Online: 01st May 2023

KEY WORDS

Tuyg'u, tushuncha, qayg'u, sinonim, korpus lingvistikasi, lingvistik.

ABSTRACT

Maqolada his-tuyg'u metaforalarining sinonimik qatoridagi variantlarini o'rganish muammosi muhokama qilinadi. Tadqiqotchilar e'tiborni hissiyot bilan bog'liq tushunchalarning sinonimik munosabatlarini o'rganishga qaratdilar. Jumladan, A. Stefanowicz baxt va joy so'zlari metaforik siljishlarda ishtirok etishida farq qilishini ko'rsatdi (Stefanowitsch 2004). Bunday farqlar, tabiiyki, bir tushuncha doirasidagi metaforalarning xilma-xilligiga olib keladi. Tahlil qilish uchun biz qayg'u, qayg'u, qayg'u va depressiyaning ingliz birliklarini tanladik, ya'ni. 3. Kovecsesning fikricha, bu tushunchalar boshqa sinonimlarga o'zaro denotativ yaqinlikka ega bo'lib, umumiy xarakterdagi konseptual metaforalarni ifodalashga qodir (Kövecses 1998). Biroq, Britaniya Milliy Korpusida ushbu so'zlarni o'z ichiga olgan shakllanishlarning paydo bo'lishini ko'rib chiqsak, ularning ba'zilariga metanomik migratsiya ta'sir qilmaganligi ma'lum bo'ldi.

Тадқиқотчилар эмоция билан боғлиқ тушунчаларнинг синонимик муносабатларини ўрганишга эътибор қаратганлар. Жумладан, А. Стефанович happiness ва joy сўзлари метафорик кўчимларда иштироки билан фарқ қилишини кўрсатиб утган (Stefanowitsch 2004). Бундай фарқлар албатта, метафораларнинг ягона бир концепт доирасида вариантлашувига сабаб туғдиради. Ишимизнинг мазкур қисмида қайғу концепти атрофида бирлашадиган тушунчалар гуруҳига тегишли birlikларнинг метафорик концептуаллашув имкониятларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Таҳлил учун инглиз тилидаги sadness, sorrow, grief ва depression birlikларини танладик, яъни 3. Ковеч гувоҳлик беришича, ушбу тушунчалар бoshқа синонимларга нисбатан ўзаро денотатив яқинликка эга бўлиб, умумий хусусиятга эга концептуал метафораларни ифодалаш имкониятига эгадир (Kövecses 1998). Бироқ ушбу сўзлар иштирокидаги тузилмаларнинг Британия Миллий Корпусида қайд этилган ҳолатлари кузатилганида уларнинг баъзилари метаномик кўчим таъсирига учрамагани маълум бўлди. Масалан:



- A) Botte men lived through the depression, but Fraser’s depressions were only indirectly linked with the hardships of people he knew (A 05370, BNC);
- B) Suddenly it all ended when a SAC, who wasn’t even a suspect, admitted that he’d done it during a fit of depression, with a pair of pliers not a knife! (CLV 337, BNC);
- C) I am pretty sure that by this stage I was suffering from what medical people mean when they talk about „ clinical depression” (QOF 508, BNC).

Келтирилган мисолларнинг дастлабкида depression сўзи ўзининг лўғавий маъноларидан бири бўлган “lowering of the vital functions or powers; a state of reduced vitality” (OED) маъносини ифодалаётганини пайқаш қийин эмас. Кейинги иккита мисолда сўз касаллик ҳақида кетаётгани аён, аммо уларда метафорик тузилма мавжудлигини исботлаш бироз қийинчилик туғдиради. Агарда иккинчи гапда depression сўзининг a fit of depression бирикмасида лўғатдаги “the condition of being depressed in spirits; dejection” (OED) маъносида қўлланаётганини инобатга оладиган бўлсак, унда бу ерда метафора мавжудлигини қайд этиш лозим. Охириги мисолдаги depression бирлиги «a sign of psychiatric disorder» мазмунига эгаллиги уни ўз лўғавий маъносида қўлланишидан дарак беради. Лекин метафоризация термин яшашнинг унумдар усулларидан эканлигини инобатга оладиган бўлсак, уни метафарик концептуаллашув ҳосиласи сифатида талқин қилиш ҳам мумкин. Бундан ташқари, метафораларни ажратишда уларнинг « беихтиёр когнитив фаолиятда воқеланишини» ҳам унутмаслик керак (Steen 2002:21). Эмоция тушунчаларини ифодаловчи терминологик метафоралар айнан шу сатҳда кўпроқ фаоллашади. Биз таҳлил қилаётган эмоция тушунчаларининг иштирокида ҳосил бўладиган метафорик тузилмаларнинг миқдори бир хил эмаслигини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Жадвал 3-1. BNC да учрайдиган метафорик тузилмалар.

	Sadness		sorrow		grief		depression	
	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
Метафорик тузилмалар	558	71,63	372	70,06	529	67,05	503	64,82

Жадвалдаги BNC да қайд этилган метафоралар сони Sadness> sorrow> grief> depression тартибида камайиб боради. Бундай миқдорий силжишларнинг ўрганилган матнларнинг функционал-стилистик хусусиятлари билан боғлиқлиги эҳтимоли йўқ эмас. Жумладан, метафорик тузилмалар табиий ва аниқ фанларга оид матнларда бошқа турдаги дискурсга нисбатан камроқ учраши маълум (Goatly 1997:311). Қиёсланг: The training programme itself covers key subjects including: death and dying – sex and sexuality – responses and reactions - medical facts- grief and loss (A00 225, BNC);

These problemes can include swelling and breast discomfort as well as tension, depression or irritability (AOJ 1466, BNC).

Ғам – қайғи артта қалган болғай шырағим, деди анаси.

Бул ҳадисе оның басына түскен аўыр қайғы ҳам жоғалтыў болды.

Тақлилниң навбатдаги босқичида танлаб олишган тўртта эмоция бирлигининг қайси турдаги концептуал метафоралар майдонида фаоллашувини аниқлаш мақсади қўйилди. Британия миллий корпусидан тўпланган мисоллар таҳлили таҳлили



қуйидаги мазмуний манбалар метафорик концептуаллашув учун асос бўлишини кўрсатди:

Жадвал 3-2. Sadness, depression, grief, sorrow тушунчалари негизда ҳосил бўладиган метафоралар

Метафоралар	sadness		sorrow		grief		depression	
	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
Physical entity (физик объект)	256	45,89	159	42,74	191	36,11	97	19,28
Location/container (жойлашув/идиш)	20	3,58	51	13,71	76	14,36	75	14,91
Substance in a container (идишдаги жисм)	72	12,90	26	6,99	32	6,05	8	1,59
Living organism (яшаётган организм)	8	1,43	2	0,54	9	1,70	9	1,79
Person (шахс)	9	1,61	9	2,42	11	2,08	4	0,79
Animal (ҳайвон)	-	-	2	0,54	6	1,13	1	0,19
Enemy (душман)	13	2,33	16	4,30	43	8,13	42	8,35
Torment (азият)	7	1,25	14	3,76	14	2,65	3	0,59
Descase (касаллик)	2	0,36	3	0,81	19	3,59	180	35,8
Pain (оғриқ)	16	2,87	8	2,15	11	2,08	9	1,79
Colour (ранг)	25	4,48	2	0,54	-	-	-	-
Air (ҳаво)	11	2,0	-	-	2	0,36	1	0,19
Taste (таъм)	3	0,54	9	2,42	3	0,57	-	-
Force (куч)	4	0,72	4	1,08	9	1,70	9	1,79
Intensity in size (ҳажмдаги зичлик)	34	6,09	15	4,03	7	1,32	1	0,19
Intensity in volume (ҳажмдаги зичлик)	20	3,58	10	2,69	31	5,86	8	1,59
Intensity is depth	22	3,94	8	2,15	8	1,51	18	3,58
Other metaphors (бошқа метафоралар)	25	4,48	27	7,26	39	7,37	18	3,58
Жами	558	100	372	100	529	100	503	100

Жадвал гувоҳлик беришича, таҳлил қилинаётган тўртта эмоция барча турдаги концептуал метафораларни ҳосил қилади, лекин ҳар бир метафоранинг сон кўрсаткичларида сезиларли фарқ мавжуд. Ҳатто, баъзи ҳолатларда метафорлик кўчим кузатилмасдан ҳам келади (масалан, Sadness тушунчаси animal (ҳайвон) билан қиёсланмаса, grief ва depression эмоциялари ранг тушунчаси доирасида концептуал метафора ҳосил қилмайди.



Умуман, эмоцияни ифодаловчи сўзларнинг метафорик кўчимларни ҳосил қилишдаги иштироки бир хил эмаслиги тилшунослар тамонидан қайд этилган. Жумладан, шундай тадқиқотлардан бирида happiness ва joy синонимик бирликларининг метафорик тузилмалар таркибидаги иштирокида миқдор ва сифат жиҳатидан фарқлар мавжудлиги қайд этилган (Stefanowitsch 2004). Бизнингча, худди шундай ҳолатни инглиз тилидаги Sadness ва қорақалпоқ тилидаги «қайғу» сўзларини уларнинг синонимлари билан қиёслаганда намоён бўлиши аниқ. Юқорида Sadness концептуал қатори Sadness, sorrow, grief, depression кабилардан иборат эканлиги айтиб ўтилди. Қорақалпоқ тилида эса ушбу концептуал қаторга «қайғу» дан ташқари ғам, муң, ҳасирет, уўайым кабиларни киритиш мумкин. Бундай хулосага ушбу сўзларга лўғатларда берилган изоҳларга мурожаат қилишни лозим топдик. Жумладан, Қарақалпоқ тилининг түсindirме сөзлиги, 4-томлы лўғатидаги қайдлар қуйидагича:

1. Қайғу – уўайым, муң, шер, күйиниш.
2. Ғам – қайғу, ҳасирет, азап, уўайым
3. Муң – қайғу, дэрт, уўайым.
4. Уўайым – руўхый азап, дэрт, қапалық, қайғу, муң.

Мазкур қатордаги синоним бирликларининг қайси турдаги концептуал метафоралар таркибига иштирок этиши ва уларнинг метафорик кўчимлар ҳосил қилиш имкониятлари ўртасидаги фарқларни аниқлаш эмоционал сўзларнинг концептуаллашув имкониятларини белгилашга имкон яратади.

Энг аввало қайд этиш лозимки санаб ўтилган инглиз тилидаги grief, depression, sorrow сўзлари ва уларнинг қорақалпоқ тилидаги муқобиллари ҳар доим ҳам ҳис-туйғуни ифодалаган ҳолда метафорик ибораларни ҳосил қилавермайди. Буни қуйидаги мисоллар қиёсида кузатиш мумкин:

- 1) “Oh, good grief, why does his name have to pepper every conversation?” he asked irritably. (H9V 3079, BNC);
- 2) But the ideals of the purist must always come to grief in the devastating vortex of national politics. (B11 1480, BNC);
- 3) Settlement cracks go in various directions and result in a depression that collects water (A05 370, BNC);
- 4) Tess thought a good deal about the baptism, however, and wondered if it might mean that sorrow could be buried in the churchyard, with a church service (GW8753, BNC).

Худди шундай ҳолатларни қорақалпоқ тилидаги матнлардан олинган мисолларда ҳам кузатамиз. Бу ерда учрайдиган фарқ фақат қорақалпоқ тилидаги мисолларда қайғу маъносини ифодаловчи сўзнинг юқорида келтирилган 4 мисолдаги Sorrow сўзидек шахс номи вазифасида қўлланмаганлигида намоён бўлади. Қиёсланг:

1. Ерте турады, кеш жатады, ойлағаны, сүйгени халықтың ғамы.
2. Қара ешкиге жан қайғу, қасапшыға ет қайғу.

Бундан ташқари, инглиз ва қорақалпоқ тиллари ўртасидаги фарқ эмоционал бирликларнинг метафорик кўчимларни ҳосил қилиши миқдор кўрсаткичларида ҳам намоён бўлади.

Эслатиб ўтилган эмоционал концептларнинг метафоралаш даражаси қуйидаги жадвалда тасвирланмоқда (жадвал 3):



Жадвал 3.

	sadness	қайғы	sorrow	ғам	grief	муң	depression	уўайым
Метафорик иборалар сони	558	496	372	322	529	484	503	467

Жадвалдан кўринадикаки sadness ва «қайғы» бирликлари мазкур концептуал қаторда, марказий ўринни эгаллайди ва sorrow ҳамда «ғам», аксинча сарҳаддан жой олади. Эслатиш жоизки, юқоридаги бирликлар иштирокидаги метафоралар асосан бадий адабиётларда учрайди. Баъзи метафораларнинг қўлланиш меъёри ўта чегараланган ва уларга асосланган ҳолда эмоциялар концептуаллашуви ҳақида аниқ хулосаларга келиш мушкул. Қорақалпоқ тилидаги матнлардан тўпланган мисоллар таҳлили асосида ажратилган тўртта эмоция тушунчаларининг қайси манбаларга таянган ҳолда метафорик иборалар ҳосил қилиш имкониятларини қуйидаги жадвал воситасига тасвирлашга ҳаракат қиламиз (жадвал 4).

Жадвал 4.

Метафоралар	Қайғы		Ғам		Муң		сон и	%
	Сони	%	сон	%	сон	%		
Физик объект	228		146		172		92	
Жойлашув	20		46		76		68	
идишдаги жисм	66		24		30		8	
Шахс	10		8		9		4	
Ҳайвон	-	-	2		10		1	
Душман	11		14		40		38	
Азият	6		12		12		3	
Касаллик	2		2		14		164	
Оғриқ	12		6		8		8	
Ранг	24		2		-	-	-	-
Ҳаво	8		-	-	2		-	-
Таъм	3		8		2		-	-
Куч	4		5		11		12	
Жами								

Кўринадикаки, қорақалпоқ тилидаги тўртта эмоционал бирлик кўпинча бир хил метафоралар воситасида концептуаллашади, аммо алоҳида метафоралар фаоллашувида маълум даражадаги фарқлар мавжудлиги сезилади.

Инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги «қайғу» концептуал қаторига кирувчи бирликлар негизида юзага келадиган метафораларнинг келтирилган жадваллардаги миқдорий кўрсаткичларини қиёслайдиган бўлсак, қуйидагиларнинг гувоҳи бўламиз.

Даставвал тиллараро ўхшашликларга аҳамият бериш керак. Бунда ҳар иккала тилда ҳам эмоция физик(жисмоний) объект, идишдаги жисм, оғриқ, ранг каби концептуал тасавурлар доирасида метафорик тасвир олаётганининг гувоҳи бўламиз. Аммо ушбу турдаги метафорик кўчимларнинг миқдорий кўрсаткичлари бир хил эмас.



Биобарин, оғриқ, азият тушунчалари билан боғлиқ метафораларнинг сони sadness ёки «қайғу» иштирокидаги кўчимларда юқори бўлса, depression ёки «ғамгинлик» концептлари сари камайиб боради. Концептуал метафора Emotion is an Enemy, Emotion is a Disease, Emotion is a Force (қиёсланг: “Эмоция – Душман”. “Эмоция – Касаллик”, “Эмоция –Куч”) кўринишларида воқеланганида эса, аксинча кўрсаткичлар миқдори ўчиб боради.

Ушбу икки ҳолат ҳар бир схемага, тегишли метафоранинг ўзига хос хусусиятларга эгалигидан дарак беради. Мазкур хусусиятлар бевосита метафорик кўчимлар ҳосил бўлишида намоён бўлади ва ҳар бир эмоция концепти ўзига хос даражада метафорик тузилмаларда иштирок этади.

Дарҳақиқат, тил ҳар доим миллат, элатнинг ёрлиғи бўлиб келган ва шу сабаб дунёнинг машҳур файласуф, тилшунос олимларининг асарларида тил ва маданият яхлитлиги масаласи марказий ўринлардан бирини эгаллаб келган. Жумладан, немис тилшуноси Й. Вайсгербер “тил ўз эгасига бошқа тиллардаги фарқли бўлган дунёни умумий кўриш тарзини ато этишин” қайд этаётиб, “тилшунослик тилларни халқлар маданиятининг кўзгуси сифатида ўрганмоғи лозим” (Вайсгербер 2004: 173) эканлигини уқтирган эди. Унинг ватандоши машҳур тилшунос-файласуф В. Фон Хумбольдт “Тил – маданият кўзгуси” деган ғоянинг асосчиси ҳисобланади.

Ушбу ғоянинг давомчиларидан бўлган рус олимаси С.Г. Тер-Минасованинг қайдича “тил, тафаккур ва маданият бир-бири билан шу қадар зич боғланганки, амалда айни уч унсурдан таркиб топган яхлит бутунликни ташкил қилади, уларнинг биронтаси бошқа иккитасисиз яшай олмайди (демакки , мавжуд) бўла олмайди” (Тер-Минасова 2000 : 40).

Юртдошимиз Н. Маҳмудов таъкидлаганидек, “Тил ва халқ, тил ва жамият ўртасидаги алоқадорлик масаласи жуда қадим замонлардан анланган, бу алоқадорликнинг қонуниятларини инкишоф қилишга ҳаракат қилишган.... Тилнинг жамиятга, жамиятнинг эса тилга таъсири бугунги антропоцентрик тилшуносликдаги узак қоидалардандир...” (Маҳмудов 2017 :55).

Тил ва маданият уйғунлиги ҳамда лисоний ва маданий ҳодисалар мажмуидан иборат концептлар бутунлигига лингвомаданиятшуносликнинг тадқиқ объекти сифатида талқин қилинади. Янгидан шаклланиб, табора ривожланиб бораётган лингвокультурология фани маданий ва тил ҳодисаларини борлиғича ўз тасаруфига олади. Унинг сирасига миллий маданият, миллий маънавият миллий тил кўзгусида тасвирланади. Яқинда Ш. Усмонова таъкидлаб ўтганидек, “инсон ҳақидаги қатор фанлар инсон ҳаётининг турли тамонларини, унинг физик (биология, тиббиёт) ва маънавий (психология, фалсафа, филология) моҳиятини, унинг фаолиятини (иқтисодиёт, социология), унинг шаклланиши ва ривожланишини (тарих) ўрганади. Мазкур фанларнинг барчаси ўрганиш объекти жиҳатидан бир-бири билан чамбарчас боғланган ва улар бир бутун “организм”ни ташкил қилади” (Usmanova 2019:9). Бизнингча, санаб ўтилган фанлар қаторига ҳеч қандай иккиланишсиз лингвокультурологияни ҳам киритиш мумкин. Зеро ушбу йуналишда инсонга хос асосий хусусият, қобилият бўлиши тилнинг унинг ҳаёт кечириш муҳити билан боғлиқ жиҳатлари ўрганилади.



Тадқиқотчилар эътироф этганларидек, лингвокультурология оламнинг этнолисоний манзараси билан боғлиқ муаммолар, оламнинг миллий-маданий тасвири, тилнинг маданий ифода имкониятлари кабилар тадқиқи билан шуғулланади. Бундан маълум бўладикки, лингвокультурология тил тизимида мавжуд бўлган маданий ҳодисалар, омилларни тавсифлаш мўлжалига эга фан йўналишидир.

Маълумки, тил тизимида акс топадиган миллий-маданий қадриятлар, ифода этилиш усулларига кўра, умуминсоний, ижтимоий –синфий, гуруҳли, оилавий, шахсий-индивидуал характерга эга бўлиши мумкин (Махмараимова 2017:25). Худди шунингдек, тўлиғича маданий жиҳатдан белгиланган метафорик тузилмалар ҳам маълум кўринишдаги тушунчаларнинг умумлашуви орқали юзага келиш билан биргаликда, ҳис-туйғу билан боғлиқ ҳолатларнинг акс топишини ҳам инкор этмайди.

Шу жумладан, ягона бир концептуал қаторга кирувчи бирликлар иштирокида ҳосил бўлган метафоралар ҳам ўз ботиний хусусиятлари билан маданиятлараро фарқ қилиши эҳтимолдан холи эмас. Ушбу масала ечимини топиш мақсадида биз мазкур ишимизнинг навбатдаги қисмида *sadness/қайғу* эмоционал қаторига кирувчи метафораларни учта кўрсаткич, яъни тезлиги (шиддати) салбийлиги, бирикувчанлиги, нуқтаи-назаридан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Бундан кўзланаётган мақсад метафорик тузилмаларнинг умумий ҳамда лингво- маданий хусусиятларини белгилашдир.

References:

1. Вайсгербер Й.Л. Родной язык и формирование духа.- М. Едиториал УРСС, 2004-С.173
1. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. -М.: Слава, 2000
2. Гумбольт. В. Избранные труды по языкознанию.- М. : Прогресс, 1784.-стр 324
3. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи.-Т.:Мумтоз сўз, 2017.-176 б
4. Usmanova Sh. Linguokulturologia – Т.:TDYAY, 2019.-245 б
5. Мамараҳимова Ш. Лингвокультурология.-Т.: Чўлпон номидаги нашриёт, 2017. – 164 б.
6. Goatly A. The language of Metaphors. -London: Routledge, 1997
7. Steen G. Towards a procedure for metaphor identification// Language and literature, 2002. Vol. 11. -p. 17-34
8. Stefanowitsch A. Happiness in English and German: a metaphorical-pattern analysis// Language, culture and mind.-Stanford: CSLI publications, 2004-P.137-150.